

СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚОЗОҒИСТОН ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ АЛИЯ ЮСУПОВАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Алия Юсуповани Қозоғистон гимнастика федерацияси президенти этиб қайта сайлангани билан табриклади.

Учрашувда мамлакатда спорт гимнастикасини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Президентга федерациянинг бугунги фаолияти ва истиқболдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Алия Юсупова спорт соҳасидаги айрим долзарб муаммолар юзасидан қатор таклифлар билдирди. Федерация раҳбарининг фикрича, болаларни ёшлигидан гимнастика билан таништириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилиши керак. Аҳоли ўртасида гимнастика спорт турларини оммавийлаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш ҳамда уларни касбий спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларига гимнастика спорт турлари бўйича миллий терма жамоа спортчиларини тайёрлаш дастурларини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ва мураббийлар тайёрлашда ҚР Туризм ва спорт вазирлиги билан яқин алоқаларни ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



ҚОЗОҒИСТОН – ЖАҲОН МАТБУОТИДА

ANADOLU:

Қозоғистон Мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлади

Ер майдони бўйича дунёда 9-ўринни эгаллаган ва Туркий Давлатлар Ташкилотига аъзо бўлган Қозоғистон ўз мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлади.

1991 йил 16 декабрда Қозоғистон Олий Кенгаши мамлакат мустақиллигини расман тасдиқловчи тарихий ҳужжатни қабул қилди. 2,7 миллион квадрат чақиримдан зиёд майдонга эга бу давлат шимолда Россия, шарқда Хитой, жануб ва жануби-ғарбда Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркменистон билан умумий чегарага эга.

Сунгги аҳоли рўйхатида кўра, 20 миллиондан ортиқ аҳолига эга Қозоғистонда қозоқлар улуши 70 фоиздан ошади. Ер захираларга жуда бой, у дунё нефть захираларининг 3 фоизига эга. Уран қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўринда. Европа Иттифоқига зарур бўлган 34та муҳим хомашёдан 18таси Қозоғистонда мавжуд.

Бир пайтлар тарихий Ипак Йўлининг асосий йўналишларидан бири бўлган мамлакат бугун Евроосиёнинг "транзит мамлақати"га айланиб бормоқда. Қозоғистон Хукумати 2029 йилгача Хитойдан Европага олиб ўтиладиган юклар ҳажмини 5 бараварга ошириш ниятида.

(Давоми 2-бетда.)

Обуна–2025

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даърий нашрларга обуна қизгин давом этмоқда.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюқли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲҲ орқали –
3415,50 тенге;

НАШР
КЎРСАТКИЧИ:
65466

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади
2024 йил 24 декабрь, сешанба, №151-152 (3497-3498).

EURONEWS ТЕЛЕКАНАЛИ – ҚОЗОҒИСТОНДА

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ EURONEWS ТЕЛЕКАНАЛИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ ПЕДРО ВАРГАС ДАВИДНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Учрашувда Қозоғистон ва Euronews телеканали ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бу дунёдаги етакчи, кўп тилли оммавий ахборот воситаларидан биридир.

Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатимизда Euronews телеканалнинг минтақавий маркази очилиши муҳим воқеа бўлганини таъкидлади. Бу орқали бутун дунё томошабинлари нафақат Қозоғистон, балки Марказий Осиёнинг иқтисодий, маданий ва сайёҳлик салоҳияти билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

– Мазкур медиа майдон минтақа давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги мулоқот ва манфаатли алоқаларни ривожлантириш йўлида ўзига хос кўприк бўлади. Бу эса келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт учун мустақкам замин яратеди, – деди Президент.

Педро Варгас Давид Қозоғис-



тон раҳбарига Euronews Academy лойиҳаси режасини тақдим этди. Ушбу ташаббус Қозоғистон журналистларининг замонавий технологиялар ва юксак касбий андазаларни эгаллашига қаратилган. Бу маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, мамлакат дунёвийлашув шароитида ахборот муҳитида самарали фаолият юрита оладиган малакали мутахассисларни тайёрлашдан манфаатдор.

Педро Варгас Давид Қозоғистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва жамиятнинг шаффофлигини ошириш мақсадида

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятига эътибор қаратди.

Бундан ташқари, суҳбат давомида дунёдаги геосиёсий вазиятга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

Қозоғистон ва Ўзбекистон: ОАВ соҳасида ҳамкорлик

Тошкентда Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Маъмурияти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий алоқалар агентлиги вакилларининг учрашуви ўтди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар 2025 йилга мўлжалланган ахборот ҳамкорлиги режасини имзоладилар.

Ҳужжат Ўзбекистон Президентининг 8 август куни Қозоғистонга ташрифи якунлари бўйича берилган топшириқлар доирасида имзоланган, унинг давомида Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёев ўртасида оммавий алоқалар соҳасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот ва қарор қабул қилинган эди.

Режада медиа-контент алмашинувини ташкил этиш, ОАВ ходимлари учун тренинг ва семинарлар ўтказиш, матбуот котибларининг малакасини ошириш, ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш ва ёлгон ахборотга қарши биргаликда курашиш кўзда тутилган.

Қозоғистон Маданият ва ахборот вазирлиги қўшма медиа-лойиҳаларнинг интеграциялашуви муҳимлигини, ёлгон ахборот ва сохта янгиликларга қарши кураш дастакларини ишлаб чиқиш зарурли-

гини таъкидлади.

Томонлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида тажриба алмашиш мақсадида ОАВ вакиллари учун матбуот сафарлари ташкил этишга келишиб олдилар.

Бундан ташқари, учрашув чоғида Қозоғистон Республикаси Президенти Телерадиомажмуаси бошқарувчи директори Роберт Мурадян қозоғистонлик Silk Way телеканалининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик ва контент алмашинувини мустақкамлаш



борасида режалари ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

Муҳокама якунлари бўйича томонлар ўзаро

контент алмашишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

24.kz. маълумотлари асосида.

ИШЧИ КАСБЛАРИ ЙИЛИДА НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

2025 йил «Ишчи касблари йили» деб эълон қилинди. Бу анчадан буён ўзгариш ва ислохотга муҳтож бўлган соҳага тараққиёт учун туртки бўлади.

Давлат раҳбари Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида малакали ишчиларни рағбатлантириш учун касбий таълимни ривожлантириш ва меҳнат бозорини тизимлаштириш зарурлигини таъкидлади.

– Касб-хунар таълими соҳасида ислохотларни амалга ошириш – ўта долзарб масала. Бу – иқтисодий ўсимни таъминлаш ва сармоёвий жозибадорликни ошириш учун зарур қадам. Мен 2025 йилни «Ишчи касблари йили» деб эълон қиламан. Ушбу вақт мобайнида техник ва касб-хунар таълими тизимини ислох қилиш зарур. Шунингдек, биз ишчи иқтисодикларини тарғиб қилиш орқали жамиятда меҳнаткаш ва ҳақиқий мутахассис бўлиш гоёсини ташвиқот қиламиз.

Адолатпарварлиги ва меҳнатсеварлиги билан муваффақиятга эришган одамлар ҳамisha хурматга сазовор, эътирофда бў-

МЕҲНАТ БИЛАН ИНСОН УЛУҒЛАНАДИ



лишлари керак. «Ишчи касблари йили» жамиятимизда меҳнатсеварлик ва касбий маҳорат гоёсини янада юксалтиришга хизмат қилади, – деди у.

ҚАНДАЙ ИШЧИЛАР ЕТИШМАЯПТИ?

Айни пайтда мамлакатда малакали ишчилар етишмайди ва мутахассислар бу жараён давом

этишини айтишмоқда. 2030 йилга бориб, саноат соҳасига 410 минг киши керак бўлиши мумкин.

Шу жумладан: транспорт ҳайдовчилари: юк автомобиллари ва таксичилар – 88,1 минг; пайвандчилар – 18 минг; қурувчилар, безакчи ва расомлар – 13,4 минг; чилангарлар – 13,2 минг;

деҳқон ҳўжаликлари ишчилари ва махсулот ишлаб чиқарувчилар – 12,4 минг; сувоқчилар – 11,2 минг; тракторчилар – 11 минг; қурувчилар, монтажчилар ва ишчилар – 9,2 минг; саноат асбоб-ускуналари монтажчилари – 8,2 минг.

(Давоми 2-бетда.)

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!»

ТАЙИНЛАШЛАР

Сайрам туман таълим бўлимининг «Далабозор» мактабига Алтинай Қусайнова директор этиб тайинланди.



У 1977 йил 18 апрелда Фарбий Қозоғистон вилоятининг Урал шаҳрида туғилган. 1998 йили А. Пушкин номидаги Урал педагогика университетини «Қозоқ тили ва адабиёти» мутахассислиги бўйича тамомлаган. Педагогика фанлари магистри.

Меҳнат фаолиятини Шимкент шаҳридаги 24-сонли С. Ерубаев номи мактабда қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида бошлаб, 2007-2009 йилларда 126-сонли «Шуғыла» болалар боғчаси услубиятчиси, сўнгра 69-сонли мактабда тўғарақ раҳбари, қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси, 2009 йилдан мазкур мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган.



Сайрам туман таълим бўлимининг М. Анортоев номи мактабига Асем Аманкулова директор этиб тайинланди.

У 1991 йил 17 декабрда Туркистон вилоятининг Чордара туманида туғилган. Маълумоти олий.

А. Аманкулова 2013 йили М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетининг ҳуқуқ, 2015 йили Қозоғистон Халқлар дўстлиги муҳандислик-педагогика университетининг тарих факультетларини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Жанубий Қозоғистон вилоят суди идорасида таржимонликдан бошлаб, сўнгра вилоят таълим бошқармасида турли лавозимларда ишлаган.

З. МҮМИНЖОНОВ.

ЯНА БИР ҚИШЛОҚҚА ТАБИЙ ГАЗ БЕРИЛДИ

Туркистон вилоятида қишлоқларни зарур инфратузилма билан таъминлаш ишлари давом этмоқда. Бу йил вилоят бўйича 47та қишлоқ «зангори олов»га уланди. Тараққиёт режаси доирасида йил бошидан буён Байдибек туманида 15та аҳоли манзили табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шу жумладан, Байдибек тумани, Шақпақ қишлоғига газ ўтказилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков қишлоқ аҳолисига вилоят раҳбарининг табригини етказди.

– Бу йил вилоятимиз ва туманимиз учун самарали

йил бўлди, дейишга барча асослар бор. Ҳозирда Байдибек туманида 50та қишлоқнинг 36таси «зангори олов»га уланган. Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилади. Шодиёна кутлуғ, эл-юрт омон бўлсин, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Таъкидлаш жоизки, вилоят бўйича 2024 йил охирида 564та қишлоқ (69,9 фоиз) ёки 1 млн. 834 мингга яқин фуқаро (85,5 фоиз) табиий газ билан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР МАҲОРАТ ОШИРМОҚДА



Бошқарув органлари, тузилмалари ва бўлимларининг жанговар тайёргарлик режасига мувофиқ, махсус операциялар кучлари ҳарбий қисмининг хизматчилари Туркистон вилоятидаги «Орда» тоғ полигонидида амалий машғулотларга киришдилар. Барча машғулотлар мураккаб вазиятларда қурол ва ҳарбий техникани бошқариш, шунингдек, улардан самарали фойдаланиш тартибини ўрганишга қаратилган.



Мамлакатимизнинг ҳарбий элитаси ҳисобланган қисм ҳарбий хизматчилари мазкур полигонда турли йўналишлар бўйича малака оширмоқда. Аскарлар баландликда ва мураккаб вазиятларда ўқ отиш, сув тўсиқларини енгиб ўтиш ва узоқ масофаларга юриш каби амалий машқларни бажармоқда.

Барча машғулотлар жанговар тайёргарлик талабларига мувофиқ олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ТУМАН



Бу ҳақда Сўзоқ тумани ҳокими Мухит Турисбеков ОАВ вакилларига мусохаба берди.

– Бу йил Сўзоқ туманида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ялли маҳсулот ҳажми 14 млрд. 852 млн. 300 минг тенгени ташкил этди. Соҳага 1 млрд. 315 млн. тенге сармоя жалб қилинди. Экин майдонлари кенгайиб, ҳажми 14638 гектарга етди. 201 гектарда ёмғирлатиб суғориш усули жорий этилди. 7570,4 тонна гўшт, 6652,9 тонна сўт, 1762,8 минг дона тухум етиштирилди.

«Қишлоқ омонати» дастури доирасида Қаратау, Қарақур, Сизған ва Чўлоққўрғон қишлоқларида саноат ширкатла-

ри очилди. «Ер омонати» лойиҳаси доирасида фойдаланилмай ётган 15 минг гектар ернинг 9021 гектари давлат тасарруфига қайтарилди, – деди туман ҳокими.

Туман раҳбарининг сўзларига кўра, «Бадастир мактаб» лойиҳаси доирасида 900 ўринли И. Алтинсарин номидаги умумий ўрта мактаби барпо этилмоқда. Иншоот йил охиригача фойдаланишга топширилади. Шунингдек, «Қишлоқ – эл бешиги» дастури доирасида Чўлоққўрғон қишлоғида республика бюджети

ҳисобидан замонавий спорт мажмуаси қурилмоқда, у 2025 йилда фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, туман марказидаги Жеткиншек кичик туманида 48та квартира декабрь ойида фойдаланишга топширилади. 2025 йилда Чўлоққўрғон қишлоғида 16 квартиралар икки қаватли бинонинг қурилиши аяқланишини маълум қилди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Заковатли миллат

ЁШ МАТЕМАТИКЛАР ЮТУҚЛАРИ



Эски Иқон қишлоғидаги Махсуда Мамадалиева раҳбарлик қилаётган Ал-Форобий номидаги умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчилари «Олтин сақа» олимпиадасининг туман босқичида юксак натижаларга эришдилар.

Жумладан, 3-синф ўқувчиси Мухаммад Қурбонов «Олтин сақа» олимпиадасининг туман босқичида ғолибликка эришиб, вилоят босқичига йўлланма олди. Ушбу ютуқ замирида Мухаммаднинг устози Шаҳноза Сайдақбарованинг заҳматли меҳнати мужассам.

Шунингдек, 6-синф ўқувчиси Рамазон Абдурахмонов олимпиадада ўз иқтидорини намойиш этиб, 2-ўринни қўлга киритди. Рамазон ўтган йили ушбу олимпиаданин туман босқичида 3-ўринни эгаллаган эди. Унинг эришган

ютуғида математика фани ўқитувчиси Рагина Мавлонованинг ҳиссаси беқиёсдир.

Мактабимиз жамоаси ўқувчиларнинг улкан ютуқлари билан фахрланади. Ёш иқтидорларимизга келгусида омад ёр бўлсин!

Дилсора МИРЗАКАРИМОВА, Ал Форобий номи умумтаълим мактабининг математика ўқитувчиси.

Тасвирда: ғолиб ўқувчилар устозлари билан.

Муаллиф тасвири.



Биринчи синфда жажжи ўқувчиларнинг билим пойдевори яратилади.

Мустақиллик байрами арафасида «Хонариқ» умумий мактабидида «Зўравонликка қарши 16 кун» мавзуида ҳафталик уюштирилди. Ҳафталикнинг якуний тадбирида мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А. Усмонов сўзга чиқиб, мавзунинг долзарблигига ургу берди.

У «Меҳр-оқибат орқали жамият келажаги учун баркамол шахсни шакллантириш» мавзуида барча синфларда синф соатлари ўтказилиб, ота-оналарнинг ижтимоий тармоқларидаги гуруҳларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тарбиянинг зўравонлик услубларини қўллашга йўл бермаслик, ота-оналар масъулиятини ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказилиб, видеолавлар намойиш этилганини таъкидлади. Мактаб ўқувчилари ораси-

Мақсадимиз беш олмоқ

Ўқитувчи ўқувчидаги иқтидор, маҳорат булогини кашф этишга эришмоғи ҳамда ўқишга, билимга эътиқодини орттирмоғи муҳим вазифадир.

Камина раҳбарлик қилаётган синфда «Алифбе» китоби асосида «Ю товуши ва ҳарфи» мавзуида очик дарс ўтказдим. Аввалги дарсларни мустаҳкамлаш асосида янги машғулотга киришилди. Ўзбек алфа-

витида Ю ҳарфи товуши, талаффузи, эшитилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган хусусиятга эга. Буни ўқувчилар тўғри англаб етсалар, нур устига нур. Машғулотда расмлар, жадваллар воситасида Ю ҳарфи қўлланилиши, айтилиши, ёзилиши ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Шу ҳарф ишлатиладиган сўзларни бўғинга бўлиб, талаффуз қилинди. Ўқувчиларнинг фаол ишти-

рокида дарсда режаланган барча бўлимлар тўлиқ ўзлаштирилди. Назм сатрлари воситасида ўқувчиларда билим олишга қизиқиш уйғотиш муҳимдир.

Қўлимизда беш бармоқ, Беш бармоқ, беш бармоқ. Мақсадимиз беш олмоқ, Беш олмоқ, беш олмоқ.

Моҳигул РЎЗИМЕТОВА, Туркистон шаҳридаги Айтекебий номи умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

ҲАФТАЛИК ЎТДИ



да «Зўравонликка йўл йўқ!», «Мен ҳаётни танлайман!», «Бутун борлик мен учун!» ва бошқа мавзулардаги иншоолар ёздирилиб, расм танловлари ҳамда ижодий ишлар кўргазмаси уюштирилди.

Мактабнинг тарбия уюшмаси аъзолари томонидан ўқувчилар ўртасида «Зўравонлик ва болалар» мавзуида сўровнома уюштирилиб, давра суҳбатлари ўтказилди.

Мактаб кутубхоначиси Эл-

мира Усмонова «Оиладаги зўравонлик – долзарб масала» мавзуида китоб кўргазмасини уюштирди.

Ҳафталик доирасида уюштирилган тадбирлар руҳий ва жисмоний зўравонликка доир слайдлар, видеолавлар намойиш этилиб, «Оила ва фарзанд тарбияси», «Хуқуқбузарликка йўл йўқ!» мавзуида бошланғич, ўрта ва юқори синфлар ўқувчиларининг ота-оналари билан махсус сабоқлар ва ота-оналар йиғилиши ўтказилди.

Ҳафталик якунида оила кадриятларини тарғиб қилиш мақсадида «Мен ва менинг оилам» мавзуидаги оилавий спорт беллашуви уюштирилди.

Алишер ШАЙЛОВБЕК ўғли.

